

## ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА МАЬНАВИЙ ТАХДИДЛАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10581145>

**Хошимжон Буннатович Ӯринбоев**

*Импулс тиббиёт институти*

*“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти*

**Исматова Дилором Хошимжон қизи**

*Наманган шаҳар 26-мактаб технология фани ўқитувчиси*

Бугун глобаллашув ўзининг қамрови, таъсир кучи, тобора оммавий тус олиши билан кам тарақкий қилган ва энди тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатлар халқларини, ёшлигини миллий маънавиятига тажовуз қилмоқда, уларнинг заминларини емирмоқда ва истиқболда оммавий маънавият таъсирида уларнинг барбод бўлишига замин тайёрламоқда. Бу тажовуз нафақат оммавий ахборот воситалари телевединие, интернет ёки уяли телефонлар воситасида, шунингдек инсонларнинг ҳаёт кечириши ва турмуши учун зарур бўлган иқтисодиёт воситасида ҳам амалга оширилмоқда. Бугунги ёш авлоднинг маънавий тарбияси ҳақида фикр юритилганда, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев қуйидаги фикрларини айтиб ўтиш жоиздир: “Хозирги қунда мамлакатимизда китобхонлик савиясини ошириш, мутоала маданиятини юксалтиришга катта аҳамият берилётгани сизларга маълум. Лекин қўплаб болаларимиз китобдан узоклашиб, қўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказаётгани-бу ҳам бор гап. Албатта, биз интернет ва бошқа замонавий ахборот манбаларининг ўрни ва аҳамитини инкор этмаймиз.<sup>111</sup> Хозирги дунёда Ғарб индивидуализмига хос яна бир иллат турмуш қурмаслик, аёлларнинг бола туғишини истамаслиги бўлиб, бу ўзига хос демографик инқиrozдир. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али ўзининг “Мен кўрган Америка” эссесида “Америкада оила мустаҳкам эмас. Ҳатто қачондир оиласиз жамият барпо этилишини орзулагувчилар топилади. Маълумотларга қараганда, 1955 йилда Америка аёлларининг фақатгина бир фоизи фарзанд кўришни хоҳламаган бўлса, ҳозир бу қўрсаткич беш фоизни ташкил қиласиди<sup>112</sup>. АҚШлик таниқли сиёсатшунос Патрик Бьюкененнинг таъбири билан айтганда, Ғарбнинг кўпгина давлатларида “беланчакдан кўра

<sup>111</sup> Мирзиёев Ш.М.Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз.Тошкент”Ўзбекистон”-2017. 529,-бет

<sup>112</sup> Мухаммад Али. Мен кўрган Америка. Ж // Жаҳон адабиёти. июль, 1998. 132 б.

тобутга эхтиёж күпроқ". Үн минглаб ёш америкалик аёллар бола туғиши истамас экан, ушбу мамлакатда мухожирлар сони күпайиб бораверади. Демографик инқироз оила-никоҳ муносабатларининг инқирозига, у эса, ўз навбатида, худбинлик-индивидуализм тамойилларининг тантанасига сабаб бўлаётир<sup>113</sup>. Эгоцентризм ўтакетган худбинлик бўлиб, факат ўзини, ўз манфаатларини ўйлаб яшаш, бошқа ҳеч нарсани тан олмаслиkdir. Эгоизм ва ахлоқизлик фалсафаси ҳақида Президентимиз шундай дейди: "Хозирги пайтда инсоният ҳаётида катта хавф туғдираётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркоаггрессия ва СПИД сингари оғатларни кўпчилик яхши билади. Лекин бугунги кунда ҳамма ҳам билавермайдиган, ошкора кўзга ташланмайдиган, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар ҳам борки, ҳозироқ уларнинг олдини олмасак, кейин кеч бўлади. Булар Farb оламида кенг тарқалган эгоцентризм ва эркинлик ниқобидаги ахлоқизлик фалсафасидир"<sup>114</sup>.

Ривожланиш имкониятлари кенг, табиий, моддий ва маънавий бойликларга эга бўлган мустақил давлатларга ҳар доим ҳам хавф-хатар, таҳдидлар бўлиб келган. Ўз мустақиллигини қўлга киритган давлатларга қаратилган таҳдидлар айниқса жиддий тус олиб бормоқда. Фоявий, мафқуравий, маънавий таҳдидлар борки, уларни бир кўришда илғаб олиш ниҳоятда мураккабдир. Жозибадор, жимжимадор ва ҳиссиётларни жунбушга келтирувчи, инсоннинг маънавий руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи таҳдидларни маънавий таҳдидлар дейишимиз мумкин. Маънавий таҳдидлар ҳам бугун чегара билмай, миллатлар ва халқларнинг қадриятларини паймол этиб, уларнинг ўрнига енгил-елпи ҳаётга мослашиш, маънавий бузилишга мойлликни кучайтириш, жангарилик ва инсонларни камситишга йўналтирилганлиги билан жамиятимизга хавф туғдирмоқда. Ушбу таҳдидни илмий-назарий таҳлил этишда бугунги кунда ўзига хос тарзда ёндашувлар мавжуд бўлиб, олимларимиз ҳам бугунги кунда ушбу муаммо устида изланишлар олиб бормоқдалар.

Инсоният тарихи шундан далолат берадики, маънавий таҳдидлар кишилик тарихида ҳам турли қўринишларда бўлган. Буни биз бобурийлар сулоласининг барбод бўлишида инглиз, француз жосусларининг маънавий, мафқуравий таҳдидларидан ҳам билишимиз мумкин. Айни вақтда маънавий таҳдидларнинг "Оммавий маданият" ниқоби остидаги ҳаракати бевосита

<sup>113</sup> Зокиров.Б. Farb тамаддуни: инқироз аломатлари. Ж://. Тафаккур 2007, 2-сон, 23 б.

<sup>114</sup> Каранг: Куронов. М Мафқуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. Т.: Академия, 2008, 9 б.

мамлакатамиизда ёшларнинг маънавий бузилишига қаратилганлиги билан ўта хавфли дейишимиз мумкин.

Жамият тараққиётини издан чиқаришда маънавий таҳдидларнинг хавфи энг хатарли таҳдидлардан бири эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу таҳдиднинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни кучайтириш нафақат давлат, балки жамиятнинг олдидағи энг долзарб вазифа, десак муболага бўлмайди. Тадқиқот жараёнидаги изланишлар ва таҳлиллар шуни қўрсатадики, бу жараёнда энг муҳим ва самарали омил фуқароларимизда мафкуравий тарбияни кучайтириш орқали уларда маънавий-мафкуравий иммунитетни кучайтиришдир. Мафкуравий тарбия мураккаб жараён бўлиб, уни амалга ошириш бир қанча омилларга боғлиқдир.

Мафкуравий таҳдидларнинг олдини олишда институционал асосда фаолиятни такомиллаштириш фуқароларимизнинг маънавий иммунитетини кучайтиришда энг самарали вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳар биримизнинг асосий вақтимиз оила, маҳалла ва таълимтарбия муассасаларида кўпроқ сарф этилишини ҳисобга оладиган бўлсак, мафкуравий тарбияга тизимили ёндашиб орқали, маънавий таҳдидни бартараф этишга эришиш мумкинлигига яна бир бор ишончимиз комил бўлади. Узлуксизлик фуқароларимиз онгода маънавий бўшлиқни содир бўлишига йўл қўймайди. Шундай экан, оила, маҳалла, таълим - тарбия тизимидағи узлуксизлик бу жараёнда айниқса юкори натижага эришиш имконини туғдиради. Бола илк қўникмаларни, маънавиятга оид тарбияни оиласдан, ота-онадан ўрганади ва бу қўникмаларни боғча, мактаб, олий таълим муассасаларида янада такомиллаштиради. Бу жараёнда оила ва таълим тарбия муассасалари билан бирдай ҳамкорлик қилиб, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий тадбирлари орқали ўз хиссасини қўшаётган маҳалланинг ҳам ўрни бекиёсдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, глобаллашув жараёнида маънавий таҳдидларнинг олдини олиш бугунги кунда энг муҳим вазифаларимиздан бири экан, уни амалга оширишда жамиятимизнинг барча соҳаларида фуқароларимизнинг, ёшларимизнинг маънавиятини юксалтиришга қаратилган ҳамкорлик асосидаги чора-тадбирларни кучайтириш, олимларимиз томонидан "маънавий таҳдид"ларни келтириб чиқаришга қаратилган илмий-назарий ва амалий ишлар кўламини янада ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Шавкат Мирзиёевнинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг ўн олтинчи саммитидаги нутқи (09.11.2023,) -Тошкент: Ўзбекистон. <https://president.uz/uz/lists/view/6846>.
2. Скрипник А.П.(1992, с.14) Моральное зло в истории этики и культуры. -: Политиздат.
3. Абдурауф Ф. (1992, б.6) Шарқ сиёсати. Бухоро.
4. Ergasheva X.Yu. How to start teaching children second languages at home// Namangan davlat universiteti ilmiy axborotnomasi. -Namangan, 2020. Maxsus сон. – Б. 407-410. (13.00.00. № 30)
5. Ergasheva X.Y. Teaching second language to Very Young Learners // Pedagogical Sciences/colloquim-journal#13(24) ISSN 2520-6990, December, 2018. - Pages 18-20.
6. Ergasheva X.Y. Communicative approach to second language teaching in preschool education // Horison: Journal of Humanity and Artificial Intelligence#13(24) ISSN 2835-3064. 2023, - Pages 499-502. (Global Impact Factor 9.7)
7. Umarov A.A. Maktabgacha ta'limdi til o'rgatish konsepsiya va tamoyillari // Pedagogika nazariyasi// "Xorijiy tillarni o'qitishda innovatsion yondashuvlar" mavzusida Xalqaro miqyosidagi ilmiy-amaliy konferensiya, Namangan, ISSN 18-19-23./ 6 bet, 18 May 2023 yil.
8. Umarov A.A. Pedagogik nazariya va amaliyotda bo'lajak o'qituvchining axborot kompetentsiyasini rivojlantirish konsepsiysi // Guliston Davlat Universitet Axborotnomasi// Gumanitar - ijtimoiy fanlar seriyasi, 2023. № 2, UDC 378.147 / 254-258 betlar, 2023-yil 30-iyun.
9. Isakova Maftuna. The most effective techniques for teaching English in EFL and ESP programs// Pedagogical sciences and teaching methods.